

Фарзандингизни дуоибад қилманг!



14:56 / 25.10.2018 3244

(дунё оналарига йўлланган мактуб)

Бу гапларга ҳам анча йиллар бўлди. Ёшлигимда, бир куни уйни тозалаётган эдим. Уйда онамдан қолган ёдгорлик – эски биллур бир шиша идиш бор эди. Уни менга онам ҳадя қилганди, уни жуда яхши кўрар эдим, кўз қорачиғимдек асрар эдим.

Кунлардан бир куни ўғлим ўйноқлаб юриб, шиша идишни синдириб қўйди. Идиш кўз ўнгимда ерга тушиб чил-чил синди. Бу онамдан қолган ардоқли, азиз буюм эди. Шунда мен бехосдан фарзандимни “Шоядки сени ҳам девор босиб суюкларинг шу идиш каби майдаланса” деб қарғаб юбордим. Орадан вақтлар ўтди, мен у гапимни унутиб юбордим. Фарзандларимиз вояга етишди. Ўғлим ҳам кейинги фарзандларим каби ўсиб-улғайди. Биз унга бир шаббодани ҳам раво кўрмас эдик. Ҳатто, ҳар қандай кичик зарарлардан ҳам хавфда бўлардик. Бизнинг бу меҳрибончилигимиз сабаб, фарзандларимиз ичида бизга энг меҳрибон ва энг суюклиси шу ўғлимиз эди.

Ўғлим кунлар ўтиб ўқишни битириб ишга жойлашди ва мен унга солиҳа бир келин қидира бошладим. Ўғлим отасининг ишхонасига борди. Уларнинг ишхоналари ёнида бир эски бино бўлиб, ўша кунлари уни бузиб,

Ўрнига янги иншоот қуриш режаси билан қурувчилар ишлашаётган экан. Эски бинонинг орқа тарафида ишчилар бузиш ишлари билан машғул бўлган бир пайтда бинонинг орқа томонидан ўтаётган ўғлимнинг, ҳа, айнан ўғлимнинг устига бинонинг девори ағанаб, уни босиб қолибди. Қурувчилар уни ўтаётганини сезишмаган ҳам. Ўғлим қаттиқ бир овоз чиқарибди-да, бошқа ҳеч нарса демабди. Буни кўрганлар тезлик билан йиқилган деворни кавлаб ўғлимни тортиб чиқаришибди. Тез ёрдам чақирилганда, ён-атрофдан анча-мунча одам тўпланган экан. Бу ҳақида турмуш ўртоғим менга хабар бериш учун келди. Бўлиб ўтган воқеани эшитиб ҳушимдан кетдим. Бир оздан кейин кўзимни очсам шифохонада ётган эканман. Биринчи айтган гапим ўғлим ҳақида бўлди ва уни кўрсатишларини сўрадим.

Оҳ! Қани энди уни кўрмасам эди. Кўз олдимда ётган ўғлимнинг бутун баданидаги суяклари худди ўша идиш каби майдалиб кетган эди. Буни кўргандим-у, гўёки юрагим уришдан тўхтади. Мен бир неча йиллар аввал қилган ўша дуо Аллоҳ таоло ҳузурда ижобат бўлганини ва уни, айнан шу кунда содир бўлишини билмаган эдим. Гўёки “Мана сен қилган дуоибаднинг ижобати, шунча йил уни сақлаб турган эдим. Бугун рўёбга чиқардим” дегандек эди. Болам сўнгги нафасини чиқарди.

Қани энди, ўша синган идишдан минглаб бўлса-ю, болажоним уларни қайта-қайта синдирса! Қани энди, ўшанда мен бир умрга тилдан қолиб, ўша дуони қилмасам эди. Қани энди, қани энди, қани энди!..

Афсус, бу каби қани эндилардан асло фойда йўқ...

Дунёдаги оналарга менинг мактубим! Фарзандларингизни дуоибад қилманг. Жуда қаттиқ жаҳлингиз чиққанида шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўранг. Майли уринг, аммо асло дуоибад қилманг. Асло...

Islom.uz портали таҳририяти